

---

## УЧКЎПРИК ТУМАНИДАГИ КАТТА ҚАШҚАР МФЙДА ЛИМОНЧИЛИК, ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ, НОВВОЙЧИЛИК МАҲАЛЛАНИНГ ДРАЙВЕРИДИР

Учкўприк туманидаги Катта Қашқар МФЙда 1363 та хонадон бўлиб, лимончилик, ёғочни қайта ишлаш, новвойчилик маҳалланинг драйверидир. Маҳалла аҳолиси шу каби ишларнинг ортидан яхши даромад топмоқда.

854 та хонадон лимончилик, 300 та хонадон ёғочни қайта ишлаш, 120 та хонадон эса новвойчилик билан оила тебратмоқда. Бу ерда етиштирилган лимон асосан Россия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларига экспорт қилинади.

Бугун вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов билан мазкур маҳаллада бўлди, амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Хусанбой Солиев ёғочни қайта ишлашни йўлга қўйган, шу билан биргаликда 3,5 сотих томорқасида иссиқхона ташкил қилиб, лимон етиштирмоқда. Лимоннинг ўзида ўртача 40-50 млн. даромад оляпти. Ёғоч устахонасида эса 10 нафар ёшлар иш билан банд.

Мазкур маҳаллада яшовчи Даврон Ҳайдаров ҳам уйида шундай ишлар билан машғул. Ёғочни қайта ишлашнинг ўзидан бир ойда ўртача 20 млн сўм даромад топади.

Вилоят раҳбари уларнинг хонадонидаги ана шу жараёни кўздан кечирди. Хонадон эгалари билан суҳбатда ишлаган, изланган инсон даромад топиши, уй-рўзғори бут бўлиши ҳақида сўз юритилди. Туман секторлар раҳбарларига ишсизликдан холи бўлган шундай маҳаллаларни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-28 11:47:40